

ТАДБИРКОРЛИК – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ДРАЙВЕРИ

ENTREPRENEURSHIP IS A DRIVER OF ECONOMIC DEVELOPMENT

Д.Р. Рафеев – СамИСИ доценти, и.ф.н.
D.R. Rafeev - Associate Professor of SamISI, i.f.n.

Аннотация: мақолада мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти, уни ҳозирги ҳолати, эришилган натижалар, ривожлантиришни устувор йўналишлари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: тадбиркорлик, иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий ўсиш, драйвер, давлат сиёсати, кафиллик, компенсация, кредит линияси, маҳаллабай ишлаш, субсидия, иш ўринлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари.

Аннотация: в статье исследованы предпринимательская деятельность, её современное состояние, достигнутые результаты, направления устойчивого развития.

Ключевые слова: предпринимательство, реформирование экономики, экономический рост, драйвер, государственная политика, поручительство, компенсация, кредитная линия, работа маҳаллабай, субсидия, рабочие места, субъекты малого бизнеса и частного предпринимательства.

Annotation: the article explores entrepreneurial activity, its current state, achievement of results, directions of sustainable development.

Keywords: entrepreneurship, economic reform, economic growth, driver, government policy, surety, compensation, line of credit, jobs, mahallabay work, subsidy, small businesses and private entrepreneurship.

Кириш. Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимиз ҳаётида азалдан муҳим ўрин тутиб, унинг ўзига хос анъаналари асраб-авайланган, бундай фазилатга эга кишилар кадрланган. Буни буюк Амир Темурнинг “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”¹, деган фикри хам тасдиқлайди. Мустақиллик йилларида юртимизда тадбиркорликка, айниқса, оилавий тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бугун ўз бизнесини йўлга қўйиб, ўзи, оиласи, маҳалла, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган, иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида юртимиз аҳолиси ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш

¹ <http://www.temurtuzuklari.uz>

тобора ортиб бормоқда. Шу ўринда тадбиркорлик фаолиятига ҳам таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият ҳисобланади.²

Мавзуга оид манбалар ва адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизим яратиш ва тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида 2012 йил 2 майда Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, унинг ҳудудларда бошқарма ва марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқот ишида диалектик ёндашув, мантиқӣ фикрлаш, таққослама таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ташкил этилган агентликка республикада тадбиркорликни ва маҳаллаларни иқтисодий ривожлантириш борасида ягона давлат сиёсатини юритиш, маҳаллабай ишлашнинг вертикал тизими асосида аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўқитиш ҳамда ўзини ўзи банд қилиш фаолиятига йўналтириш, ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, иқтисодий ривожланишни таъминлашда тадбиркорликни муҳим драйверга айлантиришнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда шу каби бир қатор вазифалар юклатилган.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида тадбиркорлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, бу борада Самарқанд вилоятида амалга оширилган ишлар ҳам ушбу йўналишларда амалга оширилган ислоҳотлар самарасидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2021 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар кесимида сони ва улар фаолияти³

№	Шаҳар ва туман номи	Рўйхатга олинган	Фаолият кўрсатаётган	Янги ташкил этилган	2021 йил 2020 йилга нисбатан
---	---------------------	------------------	----------------------	---------------------	------------------------------

²Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда

³ Samstat.uz - Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси расмий веб сайти

		2020 йил	2021 йил	2020 йил	2021 йил	2020 йил	2021 йил	Рўйхатдан ўтган	Фаолият кўрсатаётган	Янги ташкил этилган
	Самарқанд вилояти	35022	43130	33114	40724	8658	10814	123,2	123,0	124,9
1	Самарқанд шаҳри	10646	12564	10190	11953	2282	2734	118,0	117,3	119,8
2	Каттақўрғон шаҳри	1238	1445	1152	1351	332	301	116,7	117,3	90,7
3	Оқдарё тумани	1340	1852	1272	1701	333	601	138,2	133,7	180,5
4	Булунгур тумани	1310	1689	1213	1619	379	421	128,9	133,5	111,1
5	Жомбой тумани	1310	1708	1283	1650	381	440	130,4	128,6	115,5
6	Иштихон тумани	1868	2319	1752	2206	514	656	124,1	125,9	127,6
7	Каттақўрғон тумани	1669	2158	1571	2085	478	563	129,3	132,7	117,8
8	Кўшработ тумани	752	907	684	847	241	224	120,6	123,8	92,9
9	Нарпай тумани	1048	1276	1032	1254	277	310	121,8	121,5	111,9
10	Пайариқ тумани	1870	2259	1712	2089	421	564	120,8	122,0	134,0
11	Пастдарғом тумани	2936	3668	2753	3408	700	1065	124,9	123,8	152,1
12	Пахтачи тумани	799	1052	778	1017	251	313	131,7	130,7	124,7
13	Самарқанд тумани	2721	3428	2503	3085	691	860	126,0	123,3	124,5
14	Нуробод тумани	968	1313	913	1211	289	408	135,6	132,6	141,2
15	Ургуч тумани	3068	3654	2951	3532	688	886	119,1	119,7	128,8
16	Тайлоқ тумани	1479	1838	1355	1716	401	468	124,3	126,6	116,7

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ушбу ижобий ўзгаришлар вилоятда тадбиркорликни устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида амалга ошмоқда. Тадбиркорликни устувор йўналишларига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, норасмий фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари фаолиятини расмийлаштириш, бўш ер участкаларини онлайн аукцион савдоларига чиқариш, ҳудудий дастурлар, хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, хорижий инвесторлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, бўш турган ва тўла қувватда фойдаланилмаётган давлат мулки бўлган объектлардан самарали фойдаланиш, бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари орқали ажратилаётган кредит линияси ҳамда бошқа йўналишлар киритилган.

Ушбу устувор йўналишлар асосида 2021 йилда **10 814 нафар** янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган бўлиб, унда қуйидаги 2-жадвалда келтирилган йўналишлар муҳим ҳисобланади.

2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2021 йилда тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишлари ⁴

Т/р	Йўналишлар	Сони
1	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари кредит линияси ҳисобига	271
2	Бўш турган ва тўла қувватда фойдаланилмаётган давлат мулки бўлган объектлардан самарали фойдаланиш ҳисобига	105
3	Хорижий инвесторлар томонидан амалга оширилган лойиҳалар ҳисобига	415

⁴ **Samstat.uz** - Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси расмий веб сайти

4	Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобига	1296
5	Худудий дастурлар ҳисобига	955
6	Бўш ер участкаларини онлайн аукцион савдоларига чиқариш ҳисобига	405
7	Норасмий фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари фаолиятини расмийлаштириш ҳисобига	1350
8	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига	4644
9	Бошқалар	1373
	Жами	10814

Ҳар бир иқтисодий ислохотлар натижаси аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга қаратилган бўлиб, ўзининг ижобий самарадорлигини намоён этиши керак. Вилоятда ҳам 2021 йилда ташкил этилган **10 814 нафар** янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан **12 789 та** янги иш ўринлари яратилганлиги, ушбу йўналишларда олиб борилган ишларнинг ижтимоий моҳиятини очиб беради.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатда тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсати юритилаётганлиги, аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ишлари олиб борилаётганлиги, соҳани ривожлантириш борасида бюрократик тўсиқлар, ғовларни бартараф этилаётганлигидан далолат бериб, иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорликни муҳим драйверга айлантиришнинг концептуал ва стратегик ёндашувларини ишлаб чиқишга туртки бўлади.

Тадқиқот олиб бориш натижасида қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

1. Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар тадбиркорликни расмий шаклларида жалб қилиниб, уларга имтиёзли равишда кредит бериш, субсидия ажратиш ва фаолиятини бошлаган дастлабки йилда барча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этиш.

2. Бизнес-лойиҳалари асосида ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича гаров таъминотини тегишли сектор раҳбарлари кафолатлари асосида бериш.

3. Тадбиркорликни бошлашдан тугатишгача бўлган жараённи ўргатиш, маблағ ҳисобига тадбиркорликни юритиш ва шакллантириш, бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ҳамда сотиш (маркетинг хизмати), бизнесни бошқариш (менеджмент), маслаҳат ва кўрсатмалар берувчи консалтинг хизматлари ташкил этиш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги қошида Бизнес марказ ташкил қилиш.

4. Кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий аҳволини яхшилаш ҳамда даромадларини банк орқали айланишини рағбатлантириш мақсадида уларга банк орқали айланган даромад суммаларига қараб, гаровсиз кредит бериш тизимини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 19 апрелдаги 195-сон қарори.